

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ,
КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА
ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

308 Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст қишлоқ хўжалиги ер участкаларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2464*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 январдаги ПҚ–1902-сон «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил Дастури тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 2-сон, 17-модда) ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст қишлоқ хўжалиги ер участкаларини аниқлаш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси раиси**

С. АРАБОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 20 май,
10-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири**

3. РУЗИЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 20 май,
6/1-сон

**Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси**

Б. ЗОКИРОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 20 май,
2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ер ресурслари, геодезия, картография ва
давлат кадастри давлат қўмитаси, Қишлоқ ва
сув хўжалиги вазирлиги ва Давлат архитек-
тура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил
20 майдаги 10, 6/1, 2-сон қарорига
ИЛОВА

**Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка
тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик
коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган
суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст қишлоқ
хўжалиги ер участкаларини аниқлаш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 январдаги ПҚ–1902-сон «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил Дастури тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 2-сон, 17-модда) мувофиқ якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст қишлоқ хўжалиги ер участкаларини аниқлаш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст қишлоқ хўжалиги ер участкаларини аниқлаш лозим.

Бунда суғорилмайдиган ер участкалари деганда суғоришни таъминлай

оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлмаган ер участкалар (лалми, яйлов, пичанзор, ташландик, ўрмон фонди тоифасига кирмайдиган ҳамда охирги икки йил давомида ташкилотлар томонидан фойдаланмай бўш турган, мақсадсиз ва самарасиз фойдаланилаётган ерлар) тушунилади.

Унумдорлиги паст бўлган ер участкалар тупрокнинг унумдорлик даражаси бўйича бонитет балли 40 дан паст бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалардир.

2. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст бўлган ер участкаларини аниқлаш бўйича жойларда ишчи гуруҳ тузилади.

3. Ишчи гуруҳ таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқарма ва унинг бўлимлари, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ҳудудий бошқарма ва унинг бўлимлари, «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ҳудудий бошқарма ва унинг бўлимлари, «Ўздаверлойиҳа» институтининг ҳудудий бўлимлари, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ҳудудий бўлимлари, «Ўзбекнефтегаз» МХК ҳудудий бўлимлари, «Ўзбекэнерго» ДАКнинг ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг вакиллари киритилади.

II боб. Суғорилмайдиган ва унумдорлиги паст бўлган ер участкаларини аниқлаш

4. Ишчи гуруҳ томонидан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст бўлган ер участкаларини аниқлашда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

суғорилмайдиган ва унумдорлиги паст бўлган ер участкаларни давлат ер кадастри маълумотлари ва ҳужжатлари асосида аниқлаш;

суғорилмайдиган ва унумдорлиги паст бўлган ер участкаларни уй-жой қурилиши учун яроқлилирини танлаб олиш;

ташқи муҳандислик коммуникация тармоқларига уланиш имкониятларини аниқлаш;

аниқланган ер участкаларни 1:10000 масштабдаги хариталарга тушириш; хар бир аниқланган массив бўйича ер участкасининг майдони, манзили, ердан фойдаланувчилар ва бошқа маълумотларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.

5. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст ер участкаларини аниқлаш ишларининг натижаси кўриб чиқилиб, ишчи гуруҳ томонидан тайёрланган таклифлар далолатнома билан расмийлаштирилади.

6. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст бўлган ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар бўйича мазкур Қоидаларнинг 1 ва 2-илоvasида келтирилган жадваллар тўлдирилади.

7. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари томонидан далолатнома ва маълумотлар умумлаштирилиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларига тақдим этилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан маркетинг жиҳатдан ўрганиш натижалари асосида ҳар йили 1 ноябргача бўлган муддатда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишилган ҳолда ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст бўлган ер участкаларини аниқлаш ишларининг натижаси асосида ер массивлари танлаб олинади ҳамда кейинчалик улар намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қуриш учун «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига топширилади.

III боб. Якуний қоида

9. Мазкур Қоидалар «Ўзбекэнерго» ДАК, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзбекнефтгаз» МХК ва Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси билан келишилган.

«Ўзбекэнерго» ДАК

Бошқаруви раиси

И. БАСИДОВ

2013 йил 15 май

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги

Бош директори

У. ХАЛМУХАМЕДОВ

2013 йил 15 май

«Ўзбекнефтгаз» МХК

Бошқаруви раиси

Ш. ФАЙЗУЛЛАЕВ

2013 йил 15 май

«Ўздавэнергоназорат»

инспекцияси бошлиғи

А. НИМАТУЛЛАЕВ

2013 йил 15 май

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст қишлоқ хўжалиги ер участкаларини аниқлаш қоидаларига 1-ИЛОВА

Қорақалпоғистон Республикаси
ва вилоятлар кесимида тўлдирилади

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст бўлган ер участкалари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Туман (шаҳар)лар номи	Аниқланган якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари эгалигидаги ташкилот номи	Жойлашган манзили (қишлоқ, массив, аҳоли пункти)	Жами ер майдони (гектар)	Шу жумладан				
					қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер участкалар (гектар)	ташкилотларнинг бўш турган, мақсадсиз ва самарасиз фойдаланаётган ер майдонлари (гектар)	суғорилмайдиган ер участкалар майдони (гектар)	унумдорлиги паст бўлган ер участкалар майдони (гектар)	ташқи муҳандислик коммуникация тармоқларига қача бўлган масофа км
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Вилоят ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосари		
Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи	(имзо)	(Ф.И.О.)
Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи	(имзо)	(Ф.И.О.)
Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи	(имзо)	(Ф.И.О.)
Худудий сув оқова корхонаси раҳбари	(имзо)	(Ф.И.О.)
Худудий газ таъминот корхонаси бошлиғи	(имзо)	(Ф.И.О.)
Худудий электр тармоқлари корхонаси раҳбари	(имзо)	(Ф.И.О.)
«Ўздаверлойиҳа» институтининг ҳудудий бўлим бошлиғи	(имзо)	(Ф.И.О.)

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникациялари-га уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст қишлоқ хўжали-ги ер участкаларини аниқлаш қоидаларига
2-ИЛОВА

Туман (шаҳар) кесимида тўлдирилади

Т/р	Туман (шаҳар)лар номи	Аниқланган якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари эғалигидаги ташкилот номи	Жойлашган манзили (қишлоқ, массив, аҳоли пункти)	Жами ер майдони (гектар)	Шу жумладан				
					қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер участкалар (гектар)	ташкилотларнинг бўш турган, мақсадсиз ва самарасиз фойдаланаётган ер майдонлари (гектар)	суғорилмайдиган ер участкалар майдони (гектар)	унумдорлиги паст бўлган ер участкалар майдони (гектар)	ташқи муҳандислик коммуникация тармоқларига ча бўлган масофа км
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Туман (шаҳар)ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосари

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Худудий сув оқова корхонаси раҳбари

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Худудий газ таъминот корхонаси бошлиғи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Худудий электр тармоқлари корхонаси раҳбари

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

«Ўздаверлойиҳа» институтининг худудий бўлим бошлиғи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)